



2018 йил «29» сентябр

№ 2453-Т

Payariq t, p. Payariq

Пайарик туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, туман ҳудудида жойланган корхоналарда иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан берилган тақлифларни инобатга олиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳудудида жойланган, ишлаётган ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан ортиқ бўлган корхона, ташкилот, муассасаларда 2019 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойлари энг кам миқдори, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 29,0 фоиз (195 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини تامомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 46,6 фоиз (313 киши);

сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 14,7 фоиз (99 киши);

ногиронлиги бўлган шахслар учун 3,0 фоиз (20 киши);

пенсиясиз ёшидаги шахслар учун 1,0 фоиз (7 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар 1,5 фоиз (10 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 4,2 фоиз (28 киши).

2. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўраатиб ўтилган миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги № 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини

бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шартларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топшида қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini туман Бандликка кўмаклашниш маркази билан тузилган шартнома асосида туман Бандликка кўмаклашниш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

4. Туман Бандликка кўмаклашниш маркази (О.Аликулов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устида қатъий назоратни таъминласин.

5. Туман ҳокимининг 2017 йил 17 октябрдаги 2353-Қ-сонли қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Сулаймонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Жўраев